


## Диннинг қуёши бўлган Шамсиддин (биринчи мақола)



11:00 / 28.10.2021 2432

20 аср бошларида Наманган шаҳри, Авлиё домла маҳалласи (ҳозирги Жийдакапа кўчаси)да истиқомат қилувчи Охунд Дада махдум (1890-1972) хонадонида бир гўдак дунёга келди. Уни дунёга келиши оиласига қувонч, илм, нур ва барокотни олиб келди. Унга Шамсиддин, яъни диннинг қуёши бўлсин, деб исм қўйишди. Шамсиддин қори Охунд Дада махдум ўғли 1914 йили оддий ҳунарманд косиб хонадонида туғилди. У ўткир зеҳнли, илмга чанқоқ, тақводор ва шижоатли бола бўлиб улғайди. Отаси Охунд Дада махдум фарзандининг тарбияси ва таълим олишига қаттиқ аҳамият берди. У дастлабки билимни отасидан ва она томондан бобоси Умарали эшон (1830-1923)дан олди.

Умарали эшон Қўқон хони Худоёрхон даври (1845-1875)да Нақшбандия тариқатининг пири муршиди, каромат соҳиби, валиюллоҳлар зумрасидан бўлиб танилган ва хоннинг эътиборини қозонган киши эди.

Шамсиддин қори Қуръони Каримни Муҳаммад кори Букайбийда ёд олиб, ўспирин давридаёқ бобоси Умарали эшонга ўхшаб, мураттаб ҳофизли Қуръон бўлиб етишди.

Кунларнинг бирида, Умарали эшон олдиларига қизлари Зиёдахон ойим (Шамсиддин қорининг онаси) Намангандан Қўқонга келибдилар. Ўзи билан Умарали эшон бобонинг суюкли набиралари Шамсиддин ҳам келибди.

Шамсиддин ёш бўлса-да истеъдодли, илмга чанқоқ ва серғайрат бола эди. Эшон Ҳазратларининг уйлари масжид ва хонақоҳларининг ёнида жойлашган эди. Шамсиддин ўйнаб юриб Эшон бобо хонақоҳларига кириб қолади ва толиби илмларга дарс бераётган боболарини кўриб, дарров уларнинг сафларига келиб қўшилади. Шу пайт Ҳазрат бошларидаги саллаларини ечиб, суюкли набираларининг бошларига кийдириб, хаққига дуо қилиб, шундай дедилар:

«Бу киши менинг набирам Шамсиддинхон. Худо хоҳласа, Наманганнинг кўзга кўринган олими фузалоси, қорию мураттаби бўлиб етишади».

Чиндан ҳам Аллоҳнинг изни билан, сўнгра эса боболарининг дуолари сабаб Шамсиддинхон қори домла Наманганнинг кўзга кўринган илм аҳлларидан бўлиб етишди.

Кейинчалик у ўз даврининг машҳур уламолари Сулаймон Ҳожа эшон (1880-1974), Кароматхон эшон (1894-1984), Мулла Бува Охунд ва Ориф Ҳожа эшонларда таълимни давом эттиради.

Шамсиддин қори домла ёшлигидан илмга муҳаббат қўйди. Бу қизиқиш уни катта илмий давра суҳбатларига етаклади. Бир куни қўшнисини ва устозини Сулаймон Ҳожа эшон хонадонларида бутун Фарғона водийсидан келган олим ва фузалоларнинг илмий-баҳс ва мунозараларга бой бўлган давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Бу илмий суҳбатда у ҳам оддий толиби илм сифатида қатнашди. Ушбу суҳбатда ечимини мушкул бўлган масалалар Қуръон, ҳадис, ижмоъ ва қиёсга асосланган ечимлар ва унга фатво берилар эди. Шамсиддин қори бундай илмий суҳбатлардан ўзига кўплаб фойдалар оларди.

Шамсиддин қори устозини Ориф Ҳожа эшонни шундай хотиралайди: «Бир куни мен устозим Ориф Ҳожа эшонга шундай дедим: «Устоз, қанийди тушимда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрсам, деб айтдим». Ҳазрат устозим табассум билан қисқагина қилиб «кўриб қоларсиз» деб жавоб бердилар. Орадан маълум вақт ўтиб, бир куни туш кўрдим. Тушимда, жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир катта бино ичида ўтирибдилар. Бино атрофида жуда кўп оломон тўпланиб, бино дарчаларидан у кишини кўришга ошиқмоқдалар. Мен ҳам бориб ўша дарчалардан ичкарига қарашга ҳаракат қилдим. Не кўз билан қарайки, ичкарида Ҳазрат Муҳаммадхон тўра домла устозимдек инсон ҳам ўтирибдилар. Айти пайтда мен таажжубга тушиб, беҳад хурсанд бўлиб турганимда, мана шу муборак инсон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам деган овоз келди. Бир пайт қараб турган дарчамдан оёғим сурилиб пастга йиқилиб тушиб кетдим. Шу пайт сесканиб уйғониб кетдим. Бироздан сўнг Ҳазрат Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни тушимда кўрганимни эсладим. Ўрнимдан хурсанд бўлиб туриб, таҳорат олдим. Буни қарангки, бир вақт туннинг ярмида дарвоза эшиги овоз қилди. Бориб очсам, Ҳазрат Ориф хожа эшон жуда ҳам хурсанд бўлиб, табассум билан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни кўрганингиз муборак бўлсин, деб қутлагани келиб турибдилар. Бу воқеадан кейин устозим Ориф Ҳожа эшон етук олим, тариқат ва каромат соҳиби ҳамда валий киши эканлар, деб билдим».

Шамсиддин қори халқ орасида «қори домла», «қори почча», «қори бува» номлари билан шуҳрат топди. У замонасининг олими, фозили, муруттаб ҳофизи Қуръони ва мударриси сифатида танилди.

Қорининг устози, Сулаймон хожа ўғли Маҳмудхон эшон, у зотни шундай хотиралайди: «Мулла Шамсиддин домла камтар, ҳамма инсонларни бир кўрадиган, илми ва тақволи киши эдилар. Маҳаллада ҳам ёшу қарини бир хил ҳурмат қиладиган, қўни-қўшничилик ҳаққини ўрнида адо этадиган ўта камтар инсон бўлганлар. Ҳамон ёдимда, маҳалламизда Адолатхон исмли бир қари кекса аёл бор эди. Ундан фарзандлари ва қариндош уруғлари хабар олмасди. Ёш қори домла кекса аёлнинг ҳолидан хабар олиб турар, унинг таъминотини қилиб, дуоларини оларди. Бир куни Адолатхон момо оғир бемор бўлиб ётиб қолди. Шунда қори домла кампирнинг кийим-бошини ювиб, овқатини бериб, ҳовли жойини тозалаб юрдилар. Аллоҳдан соғайиб кетишлигини сўраб дуо қилдилар. Шу тариқа қўшничилик ҳаққини бажарар эканлар. Аллоҳ у кишидан рози бўлсин».

*(Давоми бор)*

**Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи,**

**Чиноз тумани Олмазор қўрғони.**